

ТАСДИҚЛАЙМАН
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
“Маъмурий-хўжалик хизмати”
давлат муассасаси директори
Танлов комиссияси раиси

С. Махмудов

Қибрай тумани

“ 30 ” 06 2022 й



Тошкент Давлат Аграр Университети Ахборот ресурс маркази биносини капитал таъмирлаш учун дизайни ва лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш ишлари юзасидан танловда иштироқ этувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш мезонлари.

1. Ташкилотнинг гувоҳномаси ва лицензияси кўрсатилиши шарт.
2. Ташкилотнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаслиги ва қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома кўрсатилиши шарт.
3. Корхона банкротлик ҳолатида бўлмаслиги, ташкилотлар билан судланганлик ва бошқа ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида кафолат хати бўлиши керак.
4. Корхона томонидан тижорат таклифлари бериш ёки умумий тендер жараёнларида коррупцион ҳолатларнинг юзага келмаслиги тўғрисида Ариза киритилиши лозим.
5. Корхонанинг охириги аудит хулосаси, топширилган молиявий натижаси ва баланси кўрсатилиши керак.
6. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестирида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумот.
7. Ташкилотнинг таъсисчилари тўғрисида маълумот кўрсатилиши ва шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эга бўлиши керак.
8. Ташкилот томонидан иш(хизмат)ларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши кафолатланган бўлиши зарур.
9. Ташкилотнинг ҳодимлари сони, малакаси ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилиши керак.
10. Ташкилотнинг охириги 3 йилда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот кўрсатилиши шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган техник талаблар юзасидан хар битта талаб учун “0” баллдан “90” баллгача бал берилади. Жами 450 бал тўплаган иштирокчи кейинги босқичга ўтади. Кейинги босқичда яъни нарх қисмини баҳолаш қисмида платформа томонидан иштирокчиларнинг таклиф берган нархига қараб автоматик рафишда нисбий балл берилади.

Танлов жараёнида қўшимча саволлар ва тушунтиришлар учун 97-134-51-51 (Дилшод Икромов-Курилиш ишларини ташкил этиш бўлими бошлиғи) ва 97-330-67-95 (Исмоил Абдуллаев-Давлат харидларини амалга ошириш бўлими бошлиғи) телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин. Саволлар юзасидан тушунтириш ишлари танлов бошланган вақтдан тугайдиган вақтга қадар амалга оширилади.


Танлов юзасидан тақдим қилинган таклифлар(хужжатлар)нинг ҳаққоний ва тўғрилигига танлов иштирокчисининг ўзи жавобгар ҳисобланади.

Тошкент Давлат Аграр Университети Ахборот ресурс маркази биносини капитал таъмирлаш учун дизайни ва лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш ишларининг қиймати **190 000 000 (бир юз тўқсон миллион)** сўмни ташкил қилади.

Иштирокчилар томонидан қўйиладиган залог сумма 3% ни ташкил қилади.


Танлов комиссияси аъзолари

Директор биринчи ўринбосари




Х.Холмўминов

Бош ҳисобчи



А.Кўчқоров

Бош ҳуқуқшунос



Б.Касимов

Курилиш ишларини ташкил
этиш бўлими бошлиғи



Д.Икромов

Танлов комиссияси котиби

Давлат харидларини амалга
ошириш бўлими бошлиғи



И.Абдуллаев